

осонроқ мослашади, бу эса маълум бир минтақадан ишчи кучи оқимини камайтиришга ёрдам беради.

Бугунги кунда кичик бизнес тузилмалари тобора кўпроқ истеъмолчилар эҳтиёжларига йўналтирилган, турли хил товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаради, динамик ривожланиши ва индивидуал ишлаб чиқариш тавсифи билан ажралиб туради. Бир қатор иқтисодчилар кичик бизнес тузилмаларини бозорларга рақобатни олиб кирувчи деб ҳисоблашади, чунки бозорларда қанча кичик корхоналар мавжуд бўлса, уларнинг монополлашув даражаси шунчалик паст бўлади. Шу билан бирга, йирик бизнес, қоида тариқасида, бозорни монополлаштиришга ва рақобат механизмини чеклашга қаратилган.

Кичик бизнес тузилмалари ҳам мамлакат ичида, ҳам хорижда амалга оширилаётган инновацион жараёнларнинг ажралмас иштирокчилари ҳисобланади. Кичик корхоналар юқори даражада ҳаракатчан ва инновацияларга тез мослашади, бу эса уларга ўрта ва йирик корхоналарга қараганда анча қисқа вақт ичида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш имконини беради. Шу билан бирга, кичик корхоналар ўрта ва йирик корхоналарга нисбатан бозорда энг заиф ҳисобланади, чунки улар катта капиталга эга эмас. Бу ҳолат кичик бизнесни ривожлантиришни фаол давлат томонидан қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Хулоса сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий-молиявий хавфсизлигини тадқиқ этишда хавфсиз ҳолат деб шундай тизим ҳолати тушуниладики, у иқтисодий салоҳият ва самарали бошқарув чораларидан фойдаланиш орқали шаклланади ҳамда стратегик мақсадларга эришишни таъминлайди. Бунда ташқи ва ички таҳдидларни нейтраллаштиришнинг самарали усуллари танлаш орқали барқарорлик заҳирасини таъминлаш имконияти яратилади.

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ АСОСИДА АКТИВЛАР ҚАДРСИЗЛАНИШИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Жаримбетов Ажинияз Курбанбаевич
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
таянч докторант

Мамлакатимизда Ўзбекистон республикаси Президентининг 2020-йил 24-февралдаги ПҚ 4611-сон “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти (МҲХС)га ўткан хўжалик юритувчи субъектлар ўз молиявий ҳисоботларини МҲХС асосида юритиб келмоқда. МҲХС бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти

(БҲМС)дан кенг ифодаланган бўлиб, МҲХС ларда БҲМС да кўрсатилмаган бухгалтерия ва молиявий ҳисоб турлари қабул қилинган. Активлар қадрсизланиши ҳисоби ҳам БҲМС да кенг ифодаланмаган, аммо МҲХС да активлар қадрсизланиши кенг ифодаланган бўлиб, активлар қадрсизланиши ҳисоби 36-стандарт “Активлар қадрсизланиши”, 40-сон БҲХС “Инвестиция кўчмас мулки”, 12-сон БҲХС “Фойда солиқлари”, 41-сон БҲХС “Қишлоқ хўжалиги”, 2-сон БҲХС “Захиралар”, 9-сон МҲХС “Молиявий инструментлар” стандартларида ифодаланган. МҲХС асосида активлар қадрсизланиши ҳисобини юритишимизда, актив тоифасига нисбатан, юқоридаги стандартларнинг бири асосида қадрсизланиш ҳисобини ташкил қилиш, мақсадга мувофиқдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, активлар қадрсизланишининг бухгалтерия ҳисобини қайси стандарт асосида ташкил қилинса ҳам, қадрсизланишдан кўрилган зарарлар ҳисоботларда тан олинади.

МҲХС бўйича активнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ортиқ бўлса, актив қадрсизланган деб тан олинади ва жорий баланс қийматини қопланадиган қиймати бўйича, ёки активнинг олдинги давр баланс қийматидан активнинг қадрсизланган қийматини камайтириб жорий даврдаги баланс қийматини ҳосил қиламиз.

36-сон БҲХС “Активлар қадрсизланиши” стандарти бўйича активларнинг қадрсизланишдан кўрилган зарарларни ҳисоботларда тан олишда, биринчи навбатда қадрсизланган активнинг олдин қайта баҳоланган активми, ёки қайта баҳоланмаган активлигини аниқлашимиз зарур. Агар, қадрсизланган активмиз қайта баҳоланмаган актив бўлса, қадрсизланишдан кутилаётган зараримиз “фойда ёки зарар” таркибида тан олинади. Қадрсизланган активмиз олдин қайта баҳоланган актив бўлган вазиятда, қадрсизланишдан зарар бошқа умумлашган даромаддаги қайта баҳолаш натижасида йиғилган миқдорни камайтиради, ёки ортиқ қисми фойда ёки зарар таркибида тан олинади. Бу вазиятлар жараёнини қуйидаги 1-расм кўринишида акс эттиришимиз мумкин.

Қадрсизланишдан кўрилган зарарларнинг вақт ўтиши билан қайта тикланиши мумкин бўлган вазиятлар ҳам учраб туради. Бундай вазиятларни иноботга олиб, 36-сон БҲХС “Активлар қадрсизланиши” ҳар ҳисобот даврда тан олинган қадрсизланишдан зарарларнинг қайта тикланиши мумкин бўлиш аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашни талаб қилади. Агар тан олинган қадрсизланишдан зарарларнинг қайта тикланиши мумкин бўлган аломатлари мавжуд бўлса, стандарт мазкур активнинг қопланадиган қийматини аниқлашни талаб қилади. Қопланадиган қийматимиз активнинг баланс қийматидан катта бўлса, активмизнинг қадрсизланишдан кўрилган зарари қайта тикланган бўлиб, активнинг қопланадиган қиймати билан активнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ фойда ёки зарарларда қадрсизланишдан кўрилган зарарни камайтиради. Агар ўртадаги фарқ қадрсизланишдан кўрилган зарардан катта сумма ҳосил бўлса, фақат қайта баҳолаш талабларин

базарган ҳолда, активни қайта баҳолашдан йиғилган даромадлар моддалари бўйича бошқа даромадларда тан олинади.




1-расм. Активларнинг қадрсизланишдан кўрилган зарарларни ҳисоботда акс эттириш

Қадрсизланишдан кўрилган зарарларнинг қайта тикланишини ҳисоботларда тан олишда, олдинги қадрсизланишдан кўрилган зарарнинг қайси ҳисоботларда тан олинганлигини аниқлашимиз зарур. Агар, олдинги қадрсизланишдан зарарларимиз фойда ёки зарар таркибида тан олинган вазиятда қадрсизланишдан кўрилган зарарнинг қайта тикланиши ҳам фойда ёки зарар таркибида ёки олдинги қадрсизланишдан зараримиз бошқа умумлашган даромаддаги қайта баҳолашдан йиғилган даромадимизни камайтирган вазиятда, қайта тикланиши ҳам шу моддада тан олинади. Бу жараёнлар қуйидаги 2-расм кўринишида ифодалашимиз мумкин.

36-сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХСда активлар қадрсизланишининг қайта тикланиши бўйича, “Гудвил бўйича тан олинган қадрсизланишдан зарар кейинги даврларда қайта тикланмаслиги лозим”⁵²

⁵² Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022-йил 10-ноябрдаги 61-сон буйруғига 21-илова 36-сон БҲХС Активларнинг қадрсизланиши.

деб кўрсатилган, ва бундан бошқа ҳолатларда активлар қадрсизланиш зарарларининг қайта тикланмаслиги лозим вазиятлар учраб туради.



2-расм. Активларнинг қадрсизланишдан кўрилган зарарларнинг қайта тикланишини ҳисоботда акс эттириш

Бу вазиятларни иноботга олиб, активлар қадрсизланишини ҳисоботларда тан олишда, қайта тикланиши мумкин бўлган қадрсизланишдан зарарлар, ва қайта тикаланиши мумкин бўлмаган қадрсизланишдан зарарлар моддаларига айириб ҳисобини юритишни тавсия берамиз. Чунки, қадрсизланишдан зарарларнинг ҳисоботларда бундай моддаларга айрилиб туриши, кейинги ҳисобот даврларда қадрсизланишдан зараларнинг қайта тикланиш ҳисобининг тўғри юритилишига ва ҳисоботлардан ташқи ва ички фойдаланувчилар учун керакли маълумот бўлиб, бу маълумотлар таъсисчилар ва раҳбарлар учун тўғри қарорлар қабул қилишда ўз таъсирига эга.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрдаги 61 рақамли буйруғи, 36-сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХС, 21-илова, рўйхат рақами 3400. - <https://lex.uz/docs/6312360>

2. Решетникова О. Е. Оценка активов организации с учетом обесценения в соответствии с МСФО / О. Е. Решетникова // XII Международная конференция «Российские регионы в фокусе перемен». Екатеринбург, 16-18 ноября 2017 г. : сборник докладов. — Екатеринбург : Издательство УМЦ УПИ, 2018. — Ч. 2. — С. 738-744. https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/61055/1/978-5-8295-0584-4_80.pdf